

# Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

10 сентябрь, сешанба, 1996 йил  
Сотувада эркин нархда. № 185 (1437)

## АНЪАНАВИЙ СПОРТ БАЙРАМИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ


Мамлакатимиз пойтахтининг энг гўзал масканларидан бири — «Юнусобод» теннис мажмуида бир ҳафта давом этган спорт байрами ниҳоясига етди. «Президент кубоги» учун учинчи марта ўтказилган анъанавий мусобақа ғолиби ва совриндорлари аниқланди.



8 сентябрь кuni мажмур турнирнинг расмий ёпилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Президентини Ислон Каримов иштирок этиб, мусобақа қатнашчилари ва ташкилотчиларига, республикамизда теннисни ривожлантириш йўлида сиққиланган меҳнат қилётган мураббий ва спортчиларга самимий миннатдорлик билдирди. Мажмур анъанавий турнир мам-



лакатимизда тенниснинг оммалашувида, спортчиларимизнинг маҳорат ва тажрибасининг ошишида беқисс аҳамиятта эга эканини таъкидлади.



Давлатимиз раҳбари турнир ғолиби Феликс Мангития бош соврин — «Президент кубоғини» патанали равишда топширди. Финал иштирокчиси Ларс Райманга ҳам совға топшириб, бу икки спо-



ртчини улкан ғалаба билан табриклади. Ўзбек томошабинларининг меҳрига сазовор бўлган бу икки спортчини келгуси мусобақаларда ҳам қатнашишга таъкиф этди.

«Дўстлик» ордени билан тақдирланган эди. Йилдангиларнинг қизғин оққиллари остида Президентимиз теннис фойдиёсига ана шу юксак мукофотни топширди.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕННИС БЎЙИЧА «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» УЧУН III АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРНИНГ ЁПИЛИШ МАРОСИМИДАГИ СЎЗИ

Хурматли меҳмонлар ва мусобақа қатнашчилари!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Азиз дўстлар!  
Мана, истиқлолимизнинг катта ва шукҳли байрамига уланиб кетган ҳамда бир ҳафта давомда миғнаб ишқибозлар ва спортчиларнинг қалбларини ҳаяжонга солиб турган анъанавий спорт байрамига яқун ясамоқдамиз.

Ифодаси деб биламиз. Сиз, хурматли мусобақа қатнашчилари, сермазун тарихга, юксак қадриятларга эга бўлган қадимий ўзбек заминидан ўтказган ҳар бир оғиниғиз таассуротларга бой бўлганлиги, юртимизнинг меҳмондўст, савҳовати ва бағри дўстларга ҳаминча очиқ кишилари қалбигизни мағфун этганлигига йймоним қомилдир.

Теннис кортларидати зафар сурурлари ва мағлублик аламлари дунёнинг турли мамлакатларидан келган спортчилар ўртасида адоват эмас, балки бир-бирининг кучига мардона тан бериш, ҳурмат, ғолиб-ликка фақат маҳорат билан эришишга интилиш уруғларини эккан-лигига ишончим қомил ва спортда шундай бўлиб қолиш керак. Чунки катта спорт — мардлар, қаққонлар ва кучлилар машғулотиридир.

«Президент кубоғининг» барча ташкилотчиларига, аввало, Ўзбек халқининг яқин дўсти Сассон Какшури жанобларига бу турнири пухта ташкил этганликлари, ўйинҳо-ларини миғнаб кишиларнинг завқ-шавақ олиш масканига айлантирган-

ликлари учун миннатдорлик билдираман. Азиз дўстлар, юртимиз меҳмонлари!  
Ижозатлариниғиз билан яна бир фахрли ва шарафли вазифани ба-жармоқчиман. Маҳмангизга маълум-ки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов биноан Ўзбекистон Республикасида теннисни тарғиб қилиш ва ривожлантиришга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун «ИТП Лимитед» компанияси президенти, халқаро теннис турнирларининг ташкилот-чиси Сассон Какшури «Дўстлик» ор-дени билан мукофотланди.

## ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президентини Ислон Каримов 9 сентябрь кuni Саудия Арабистони Подшоҳлиғи савдо-саноат палатаси раиси Абдурахмон ал-Журайсий раҳбарлиғидаги шу мамлакат ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.



Ислон Каримов меҳмонларнинг мамлакатимизга таширифи ва Ўзбекистон бозорига қизиқиш тобора ортаётганидан мамнунийат ихзор этди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

7 сентябрь кuni мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Абдурахмон ал-Журайсий бошчилиғидаги Саудия Арабистони Подшоҳлиғи савдо-саноат палатаси делегацияси аъзолари Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига таширф буорди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов араб дунёсида катта нуфузга эга бўлиши Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар равнақ топиб бораётганини қайд этди. Шунингдек, Бош вазир улкан табиий бойлиқларга эга ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкор-ликни ривожлантириш учун кенг им-кониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ  
Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида  
Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

САМИЙ ТАБРИКЛАР  
Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов жаноби олийларига  
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракатуллоҳу.

АГРОУНИВЕРСИТЕТДА — ТЕННИС КОРТИ  
Теннис мамлакатимиз бўйлаб тобора кенг оммалашиб бораётган. Жойларда янги-янги кортлар бунёд этилиб, миғнаб ёшлар спортнинг ана шу нафис ва сержило тури билан шуғулланишга.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни қомол топтириш, миллий мафқуранинг шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқдол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга ошириладиган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилдир.

Оламларнинг ўзликларини чуқур англашни, мустақилликнинг қад-рини тобора теран тушунишни, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғо-нишини таъминлаш маънавий соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадида айланishi лозим. Аммо ҳануз жойларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг олға силжиши, фаровон жамиятга тазоққ ети-шишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд.

1. Маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

2. Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аجدодларимиз мероси ва халқимизнинг бутунлиғи мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишларига юк-сак оҳиром туйғуларини синдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратта солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳат-лари ташкил этиш барча ҳокимлар зиммасига қўйилсин.

3. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, унинг Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlарини истиқдол ғояларини, миллий қадриятларни теран англашган, фи-дойи, ташкилотчи, ташаббускор ҳодимлар билан мустаҳкамлаш учун уларнинг раҳбарлари шу йилнинг охирига қадар қайта синновдан ўт-казилсин.

4. Белгиланган йўналишда, худудий бўлиmlар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар тавсиясига биноан «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан тайинлансин.

Шу кuni Бош вазирнинг биринчи (ЎЗА).



САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

(Лаома. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунини байрам қилиниши муносабати билан Лаос Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номидан сиз жаноби олийларига ва сиз орқали дўст Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табрик ва энг яхши истакларини йўлайман.

Нухак ПХУМСАВАН, Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари! «БАТ индустри» номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги билан табриклашга ижозат этгайсиз.

Мартин БРОТОН, «БАТ индустри» президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Президент! Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Сизга табрик йўллаш мен учун шарафлидир.

Томас ЛАБРЕК, «ЧЕЙЗ Махметган банк» президенти.

САНОАТЧИЛАР ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШУВ

9 сентябрь кунини Осиё Тараққиёт банкнинг ижрочи директорлари делегацияси Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва ишбилармонлар палатасига ташриф буюрди.

лик қилиш имконияти анча кенг эканини қайд этди. Учрашувда ўзбекистонлик тадбиркорлар билан мазкур банк ўртасида тижорат-савдо алоқаларини ўрнатishi масалалари юзасидан фикр алмашилди.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Мажлиса Вазирлар Маҳкамаси шу йил 2 июлда қабул қилган «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқарттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг бажарилиши, Марказий банк патентлари олган корхоналар ва ваколатли банкларнинг четдан келтириладиган товарларни сотишдан олган тушумларини ҳисобга олиш ва айирбошлаш юзасидан ўтказилган текшириш натижалари, бу борада «Навоий савдо базаси» акциядорлик жамиятида республика Давлат солиқ қўмитаси ўтказган текширув натижалари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

да Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июль ойидаги бажарилиши асосида»ги қарори ҳамда республика пул-кредит сис-теми тўғрисидаги қарорнинг 10 август мажлиси асосида қўйилган тегишли хулоса чиқарилгани қайд этилди.

Натжида ҳудудлари белгиланган касса режасини бажариш борасидаги аҳвол бирмунча яхшиланди. Ўтган даврда касса режаси 6 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида бажарилди. 193 шаҳар ва туманининг 95 тасида умумий тушум суммаси бўйича касса режаси бажарилди, бу июль ойидаги курсаткичлардан 65 та қўнди.

р вилоятида 15 талдан 13 таси, Навоий вилоятида 10 талдан 9 таси ва Наманган вилоятида 12 талдан 8 таси белгиланган касса режасини бажарди.

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Шу йилнинг 1-5 сентябрыда Франциянинг Бордо шаҳрида жигар хасталикларига бағишланган VIII халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман ишида жаҳоннинг 100 га яқин давлатларидан машҳур олимлар иштирок этдилар. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Вирусология институтининг олимлари профессор В. Алиев ва Ш. Хужаев ҳам маъруза билан қатнашди.

Ўзбек олимларининг сунури сариқ касалига чағилган беморлар жигаридаги узғаришларни энг замонавий электрон микроскопик усуллар билан урганишга бағишланган тадқиқотлари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шуниси қувончлики, анжуманга бағишланган 200 та илмий ишнинг қисқа шарҳлари chop этилган китоб ўзбек олимларининг ишлари тафсилоти билан бошланади. Олимларимизнинг мақолалари китоб шаклида тайёрланаётган тўпلامга ҳам қабул қилинди.

Тиббиёт фанлари доктори В. Алиев шу йилнинг январь-май ойларида АҚШнинг «Фулбрайт» жағғармаси совриндори сифатида Жанубий Калифорния университетининг жигар касалликлари бўлимида 4 ой давомида илмий тадқиқотлар олиб борган эди.

Европа жигар касалликларини урганиш уюмчаси В. Алиевни ташкилот аъзоллигига таклиф этди. Олимларимизнинг бундай анжуманларда қатнашуви шарафли бўлибгина қолмай, мустақил Ўзбекистон илм-фани ютуқларини жаҳонга танитишга ҳам ердан беради.

Ҳуқуқий чорраха

Бугунги кунда республикамизда тадбиркорлар сонини ошириб бормоқда. Бу яхши, албатта. Аммо сўнги пайтларда улар орасида қонунга хилоф иш юритувчи «тадбиркорлар»нинг ҳам бориши кишини таажубга солади.

Гуруҳ қурмасиз бўлмаганидек, инсон боласи ҳам баъзи нуқсатлардан холи эмас. Ҳиждудов тўғрисидаги йиғини Лутфулло Бобоев бу борада қилган қирқ ёрадангилар қилидан чиқиб қолди.

СОХТА ДИПЛОМЛИЛАР

Ҳам қўрмади. Фақат у эртаси кунини дипломни лаборатория бошлиғи Олим Шариповга кўрсатди. Бошлиқ «лаборатория бўйича маълумотнинг бор экан-ку» дея, Раҳматовани лаборант вазифасига тайинлади. Иш қилинган ғишт қўчғандак осонгина битди. Раҳматованинг орузи ушадди. Лекин у буюқнинг чопгани сомонхонагача эканлигини билмасди.

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ЭЪТИБОРИГА!

Пахта савдоси бўйича менеджер таклиф қилади: У пахта савдоси бўйича тажрибага эга, халқаро хомашё маҳсулотлари савдоси бўйича мутахассис, Тошкентда пахта савдоси операцияларини юритиш ҳамда уларни бошқариш юзасидан катта имкониятга эга.

Штаб-квартираси Осиё-Тинч океани минтақасида жойлашган кенг тармоқли халқаро гуруҳ бизнинг доимий мижозимиздир. Жаҳонда бошқа хомашё маҳсулотлари хариди бўйича пешқадам ҳисобланган бу гуруҳ халқаро пахта савдосида ҳам энг нуфузли ўринга чиқишни кўзламоқда.

Аризаларингизни инглиз тилида қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент, 700000, Главпочтамт, а/я 4438.

БАЙРАМ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

5 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикасининг Париждаги элчихонаси ЮНЕСКО биносига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги шарафига қабул маросими ўтказди.

Тантанали тадбирда Франция Республикаси миллий мажлисининг депутатлари ва сенаторлари, Париждаги дипломатия корпуси бошлиқлари, Франция Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат муассасаларининг юқори лавозимли ходимлари, танқити тадбиркорлар ва олимлар иштирок этди.

ЮНЕСКО қабул қилган Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳилираб турибди. Таъбир давомиди танқити ўзбек артистлари ижро этган кўшиқлар янгради. Меҳмонлар эълитборига ҳавола этилган Матлуба Дадабоевнинг кўшиқлари эълитлан дисклар, «Шашмақом ананалари» ва «Самарқанддан Бухорога» дисклари Францияда чиқарилган эди.

Хусусан, ушбу вилоятлардаги пул-кредит комиссиялари раҳбарлари ҳамда мазкур масалаларга жавобгар бўлган мутасаддилар Вазирлар Маҳкамаси қарорининг тегишли хулоса чиқармаган. Бу муҳим масала совуққонлик билан қараб келинмоқда.

Республика пул-кредит сис-теми комиссияси мажлисида худудларда нақд пул эмиссиясини кескин қисқарттириш борасида зарурий тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ курсатмалар берилди.

Мажлиса муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҚЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Анджонда «Умид-94» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси фаолияти билан таништириш маросими бўлди. Корхонада сифатли полиэтилен плёнкалари, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати маҳсулотларини ўраш учун махсус материаллар ҳамда ҳар хил дастурхонлар ишлаб чиқарилади.

Янги қўшма корхона андижонлик тадбиркор Жўраҳон Нуриддинов ва истанбуллик бизнесчи Сами Али ўли ҳамкорлигида тузилди.

Европа иттифоқи "ТАСИС" дастури лойиҳасига кирадиган бозор муносабатларини ривожлантириш маркази тавсия қилади:

- 1. Ишбилармонлар ва мутахассислар учун қуйидаги махсус курсларга: - ишбилармонликни муваффақиятли юргизиш сирлари, грант олиш технологияси, кредит, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби, бизнес-режа шартлари - 80 соат; - консалтинг бошқариш ва хорижий компаниялар билан муваффақиятли алоқа ўрнатish - 48 соат; - кичик бизнесда бухгалтерия ҳисоби - 48 соат; - молиявий менеждмент асослари - 48 соат; - бизнес-режа тузиш бўйича практикум - 48 соат; - компьютер билимдонлиги учун халқ модурда (WINDOWS 95, WORD 7, EXCEL 7, POWER POINT, FOXPRO for WINDOWS) - 120 (40+40+40) соат.

- 2. Барча хоҳловчилар учун: - бошловчилар учун инглиз тили - 150 соат; - ишбилармонлар учун инглиз тили - 150 соат; - ўқувчилар учун репетиторлик курслари - 150 соат; - ТООЭФЛга тайёрлаш - 100 соат.

- 3. Касб эгалламоқчи ёки касбини алмаштироқчи бўлганлар учун курс: - "Офис менеждер" (компьютер билимдонлиги, инглиз тили) - 240 соат.

Ўқиш муддати - 1 ҳафтадан 6 ойгача. Кундузи: соат 9.00 - 16.00 гача. Кечкиси: соат 16.00 - 20.00 гача. Машгулотларни ҳафтада 4-6 марта хорижий компанияларда ишлаб тажриба ортириш, ТАСИС дастури бўйича махсус курсларни тугатган юқори малакали мутахассислар олиб боришади.





«Наманганвилоятга» бошқармаси қошида «Семашко» номли саломатлиқ ишлаш ва физиотерапия илмий текшириш илмгоҳининг филиали ишлаб турибди. Халқ табиобати усулида ва замонавий тиббиёт ютуқлари асосида микозларга хизмат кўрсатаётган бу илмгоҳ филиалида кўплаб малакали мутахассислар меҳнат қилишмоқда.

Саломатлиқ маскасидаги ошқозон-ичак касалликлари бўлими бошлиғи Ҳожимат Зокиров ҳам ана шундай малакали мутахассислардан бири. У киши шу кунларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак хасталигини дори-дармонсиз даволаш усулида илмий иш олиб бормоқда.

Суратда: изланувчан шифокор Ҳожимат Зокиров. Тоҳиржон ХАМРОҚУЛ олган сурат.



«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» УЧИНЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ТАРИХГА КЎЧДИ



Халқ сўзи

Пойтахтимизнинг «Юнусобод» теннис мажмуида бир ҳафта мобайнида давом этган профессионаллар ўртасидаги «Президент кубоги» учинчи халқаро турнири нихоъсига етди.

Халқаро турнирнинг финал учрашуви ўтказилган кун «Юнусобод» теннис мажмуининг марказий корти томошабинлар билан лиқ бўлди. Финал учрашуви давомида томошабинлар теннисчиларни, айниқса, шу кун олдидан чопмай тез-тез асабийлашган неманилик Ларс Роймани қарсақлар билан қўлаб-қувватлаб, галаба руҳлантириб туришди.

турнир голиби испаниялик Феликс Мантия ҳам Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов қўлидан кубокларни қабул қилиб олар экан, ўз миннатдорчилик сўзларида алоҳида қайд этишди ва бундай томошабинлар, теннис мухлислари нигоҳи остида турнирларда қатнашиш ўзлари учун катта бахт, шараф эканлигини таъкидлашди.

дан тортиб қарияларни ҳам учратиш мумкин эклики, ана шулар ҳам Мантиянинг таассуротларини бойитган бўлса, не ажаб. Бевосята финал учрашуви ҳақида тўхташдан олдин ярим финал бахслари тўғрисида фикр билдириш жоиз. Чунки турнирнинг энг қизиқарли учрашуларидан бири айнан шу босқичда, Фонтэ (Франция) ва Ройман (Германия) ўртасида бўлди.

катта фарқ билан ҳисобда олдинда борди. Ҳатто битта аниқ зарба билан учрашув унинг галабаси билан яқунлигини мумкин бўлган ваъда қилди.

мартгагина 157 км/соат тезликка қўтарили. Мантия зарбасининг тезлиги ўртача 120 км/соатга тенг бўлди. Зарбалар тезлигидаги бундай катта фарққа қарамай, бир неча бор Ройман Мантиянинг зарбаларини қайтаришга улгурмади, яъни Мантия ўнча катта тезликка эга бўлмаган зарба тезлигида эйс билан очколар олди.

Турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида турнир голиби Феликс Мантияга кубокдан ташқари Ўзбекистон тўн ва дўпши ҳадя этилди. Шунингдек, Ройман ҳам шундай эъзозга мушарраф бўлди.

«МЕН УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ОМАД КАЛИТИ БЎЛИБ ҚОЛДИ»

Теннис бўйича мамлакатимизда учинчи марта ўтказилган «Президент кубоги» халқаро мусобақаларида испаниялик тажрибали теннисчи Феликс Мантия галаба қозонди.

— Феликс, аввало, «Президент кубоги» соҳибининг кўла карвонасининг билан ўзбек мухлислари номидан табриқланганга иккилик берсангиз...

— Менга фақат Ўзбекистонга айланиб қолган «Президент кубоги» халқаро мусобақаларининг омури йилдан-йилга тобора ошди борасини, унга қўлаб моҳир теннисчиларнинг қатнашиши исбатини билдираётгани маълум эди.

Биринчи соврин, яъни «Энг жанговар теннисчи учун» соврини болгариялик Орлин Станойчев эгаллади.

ГАЗЕТАМИЗ СОВРИНДОРЛАРИ

Бу йилги турнирда аҳолиларидан фарқи ўлароқ мусобақа қатнашчилари ва ташкилотчилари га кўлаб совринлар топширилади.

Биринчи соврин, яъни «Энг жанговар теннисчи учун» соврини болгариялик Орлин Станойчевга насиб этди.

«Сифатли ҳакамлиги учун» деб номланган газетамизнинг навбатдаги соврини венгриялик Арвай Шандорга топширилади.

лика ёшларнинг «Камолот» жамғармаси ҳам ўзларининг бир қатор совринлари билан қелишди.

Шунингдек, турнирда Давлат жамғармон тарбия ва спорт кўмитаси, республика теннис федерацияси, «Правда Востока» газетаси ва республика...

«Биринчи соврин» сўрашди. Манзил: Тошкент шаҳри, Жомий майдон, Тошкент агрегат заводи биноси, 1-қават. Телефонлар: (3712) 48-28-74, 48-29-42. Факс: (3712) 48-19-40.

Халқ сўзи. Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Аянвар ЖҲРАБОВ. БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Манаоилат 36-35-60; Туни муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вахтер-33-10-60.

«ТОШШАҲАРҲАЙЛОВЧИТРАНС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ. шаҳардаги автобус ва таксомотор парклариди ДОИМИЙ ИШЛАШ УЧУН «ВС» ва «Д» тоифасидаги ҲАЙДОВЧИЛАРНИ, МОТОРЧИЛАР, АВТОБЎҲҚЧИЛАР ва КОНДУКТОРЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КОРХОНА Т-28х4, МТЗ-80 (3 ва 4 гилдиракли) тракторларини сотувга қўяди. Ҳисоб-китоб пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Мурожаат учун телефон: (3712) 48-43-20.

«Зафар» ўзбек-хитой қўшма корхонаси. Тошкентдаги ўз омборхоналаридан қуйидагиларни нақд пулга сотади: \* оқ-қора тасвирли телевизорлар (35 см. диагоналли); \* Россия корхоналарида тайёрланган, КАМАЗ, МАЗ русумли автомобиллар учун шинлар.

«БИ-ЭЛ-МОТОРС» Тошкент шаҳридаги ўз омборхоналаридан қуйидагиларни арзон нархларда сотади: \* электродвигателлар; \* вақтинчалик ишфер (Қирғизистон Маҳсулот); \* «УзДЭУ электроникс» корхонаси маҳсулотлари; \* ЭЦВ насослари; \* ЛПОМ 10/10; \* ТХИ 90/49; \* КИМЭЙ насослар; \* НВ 50/50 нефтни сўрувчи насослар.

Тошкентдаги омбордан сотилади: \*\* газпайванд аппаратлари (бут ҳолда); \*\* горелкалар, резаклар, асбоблар; \*\* баллонлар: кислородли, пропанли; \*\* усунулар тўлаими. Ҳақ тўлаш: пул ўтказиш йўли билан ҳамда касселда.

Тошкент давлат техника университети, фундаментал фанлар факультети, «2-олий математика» кафедраси жамоалари доцент Абдухалил Сулаймоновга қиз ГҲЗАЛИНИНГ фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.